



“Халол вино” ишлаб чиқарилиши ҳақидаги хабарларни мусулмонлар турлича кутиб олдилар. Махсулотни сотиш мўлжалланган араб давлатлари ҳам бу хабарни катта кизиқиш билан кутиб олишди. Бирок баъзи мусулмон фаолларнинг таъкидлашича, “исломий ахлоқ юзасидан бу масалада бир нечта мулоҳазалар бор”.

Бирлашган Араб Амирликлари аҳолисининг озик-овқат соҳасидаги талабларига жавоб беришга ҳаракат қилган «Lootah Premium Foods» компанияси дунёда биринчи бўлиб, таркибида ҳеч қандай алкоголь бўлмаган «Lussory Gold» деб ном олган “ҳалол” вино ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бу мусулмонлар учун вижиллаб турадиган винодир. Вино шишасининг ичида еса бўладиган 24 карат олтин вараги ҳам бор. У шиша ичига тилла ранг бериб, жозибали қилиб туради.

Бу Испаниядаги Ла-Манч узумзорларидан чиккан махсулотдан тайёрланади. Вино бошқа оддий виноларни тайёрлаш услуби (технологияси) асосида ишлаб чиқарилади. Фарқи эса, махсулот тайёр бўлгач, унинг ичидан спирт бутунлай чиқариб ташланади.

“Мазкур махсулот таркибида алкоголь бўлмаслигига карамай, исломий ахлоқ юзасидан унга бир нечта мулохаза бор”, дейди Украина мусулмонлари диний идорасининг муфтийси Саид Исмоилов.

Энг биринчи диққатни ўзига тортадиган нарса , бу гайридинларга таклид қилишдир:

“Халол бўлган ичимликлар жуда кўп бўлишига карамай, нега гайридинларга таклид қилиш керак – винони тайёрлаш ва истеъмол қилиш?! Гарчи алкогольсиз бўлса ҳам”.

“Иккинчи (масала) – бу исрофдир. Катта эҳтимолга кўра, махсулот жуда қиммат бўлади.

Миллионлаб мусулмонлар таом, сув, дори-дармонларга мухтож бўлиб турган бир вақтда исрофга берилиш мутлақо мумкин эмас”, дейди муфтий.

Саид Исмоиловнинг таъкидлашича, “халол” вино ходисаси “мусулмон дунёсининг муаммосини” очиб кўйди – исроф ва барча нарсаларда секуляр (дунёвий) параст) кишиларнинг дунёда мода бўлган мойилликларига эргашиш”.

Реклама ва роликларда вино шишаси билан бирга унинг ичидаги ейиш мумкин бўлган тилла бўлаги ҳам намойиш қилинмоқда. Вино нархи хали аниқ эмас. Дубайнинг баъзи савдо расталаридан уни сотиб олса бўлади. “Халол вино”ни тугилган кунлар ва хашаматли тўйлар учун харид қилиб олиш бошланди.

Интернет маълумотлари асосида

Абу Муслим тайёрлади